

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 403-ҳадис

: 96].

1. 403. Усома ибн Зайддан розияллоху анху ривоят килинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни Жұхайна қабиласининг Ҳурақо уруғи устига юбордилар. Биз у қавмга тонгда ҳужум қилдик ва уларни енгдик. Мен бир ансорий билан улардан бирининг кетидан етиб олдим. Биз уни қуршаб олган әдик, у «Лаа илааҳа иллаллоҳ!» деди. Ансорий үзини тұхтатиб қолди, аммо мен найзамни санчиб, уни үлдириб қўйдим.

Қайтиб келганимизда бу хабар Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб борди. У зот менга: «**Хой Усома! «Лаа илааха иллаллох» деганидан кейин ҳам уни ўлдирдингми?**» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, у қутулиб қолмоқчи эди, холос», дедим. У зот яна: «**Лаа илааха иллаллох» деганидан кейин ҳам уни ўлдирдингми?**» дедилар. У зот буни менга қайта-қайта такрорлайвердилар, ҳатто қанийди ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсан, деб орзу қилиб қолдим».

Мұттағақұн алаіх.

Бошқа ривоятда: «Расуллұқ соллаллоҳу алаіхі васаллам: **«У «Лаа илааха
иллаллоҳ», деса ҳам уни ўлдирдингми?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг
Расули, у буни қуролдан қўрқиб айтди, холос», дедим. У зот: **«Қалбини
ёриб кўрдингмики, шунинг учун айтган-айтмаганини билсанг?»**
дедилар ва буни такрорлайвердилар, ҳатто мен Исломга ўша куни кирган
бўлсам эди, деб орзу қилдим».

[1] **Ҳадис Ислом** :**Ҳадис Ҳизб**.

Манба: hadis.islom.uz

